Ушбу сонда:

2 «МУБОРАКНЕФТГАЗ» – МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА

3 TV – ДАСТУРИ

4 ШАНБА - ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ ВАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 28 июл, шанба №116 (1130)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

А.У.Баҳромовни Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг раиси этиб тайинлаш тўғрисида

Аъзамхон Усмонович Баҳромов Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 26 июл

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР БАЙРАМИ

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб Тошкентда ўтказилаётган «Шу азиз Ватан - барчамизники» фестивалининг бу галги мезбони Сурхондарё вилояти бўлди. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги - ЎзА, «Маънавият ва маърифат» кенгаши ҳамда Бадиий академия Сурхондарё вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этган бу тадбирни том маънода миллий қадриятлар байрами, деб аташ мумкин. Тадбир Бадиий академиянинг марказий кўргазмалар залида очилди. Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби Р.Жумаевнинг «нафақат 2500 йиллиги нишонланаётган Термиз шаҳри, балки бутун Сурхондарё истиқлол йилларида қайтадан кўрк очди. Нафақат вилоят саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқаришида, балки бутун воҳа аҳлининг маданий-маиший ва маънавий ҳаётида ҳам асрларга татигулик ўзгаришлар рўй бермоқда», деган фикрлари фестивал доирасида ўтказилаётган кўргазмада ўз исботини топди.

- Мамлакатимизнинг энг улуғ ва энг азиз байрами арафасида халқимиз иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда эришган ютуқларининг ўзига хос ҳисоботига айланган фестивалга сурхондарёликлар ҳам катта тайёргарлик билан келди,- деди вилоят ҳокимининг ўринбосари Қ.Мадартов. - Айни пайтда фестивал меҳмонларида вилоят меҳнаткашларининг иқтисодиётни ривожлантириш борасида эришган муваффақиятларидан ҳикоя қилувчи экспонатлар билан бирга сурхондарёликларнинг ўзига хос санъати, миллий ҳунармандлик соҳасидаги ютуқлари ҳам кат-

та қизиқиш уйғотганини қайд этмоқ керак. Шунингдек, Сурхон воҳасининг қадим тарихидан ҳикоя қилувчи археологик топилмалар ҳам томошабинларнинг диққат-эътиборини тортгани бежиз эмас.

Ўрта Осиё ҳудудида энг қадимги инсон илк бор ерга кетмон урган юрт Сурхондарё ҳисобланади. Бойсундаги Тешиктош ғоридан топилган қадимги одамлар қўналғаси, ғорлар деворларига чизилган расмлар, меҳнат қуроллари шундан далолат бериб турибди. Буддавийликнинг олам аро ёйилишида Термизнинг ўрни катта бўлган. Буюк муҳаддислардан бири Имом ат-Термизийнинг «Сунани Термизий» китоби эса ислом оламида энг мўътабар олти манбанинг бири саналади.

2001 йилнинг май ойида ЮНЕСКО томонидан «Инсониятнинг номоддий ва оғзаки маданий дурдоналари» рўйхати эълон қилинди. Бу рўйхатга кириш учун дунёнинг олтмишдан ортиқ мамлакатидан вакиллар даъвогарлик қилган эди. Аммо бундай шарафга 19 давлатга мансуб жамоагина эришди. Улардан бири Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги «Бойсун» ансамбли эди. Бу жамоанинг ўзбек халқ оғзаки ижодининг энг қадимги анъаналарини асраб-авайлаб келаётгани ЮНЕСКО мутахассисларини ҳам лол қолдирди. Шу боис кўргазма Сурхон оҳангларидан бошлангани бежиз эмас.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган этнографик дасталарнинг чиқишлари - лапарлар, рақслар, айниқса, Ўзбекистон халқ баҳшиси Шоберди Болтаев ижро этган термалар меҳмонларда илиқ таассурот қолдирди. Кўргазмага қўйилган турфа маҳсулотларни томоша қилиб юрган лобар қизлар эса Бойсундаги «Озода» фирмасида тайёрланган ажойиб дўппиларни бошига қўндириб кўргач, улардан кўнгил узолмай қолди. Бу корхонада тайёрланган «Зеби гардан», «Нози гардан», «Хапабанд» (Бало-қазолардан асровчи!) каби қадимий тақинчоқларни тайёрлаш усуллари фақат Сурхондарёга хосдир.

Сурхондарёлик мўйқалам соҳиблари Р.Чориев, Т.Ўроқов, С.Аҳмедов чизган расмлар, намойишга қўйилган ранг-баранг фотосуратлар фестивал меҳмонларининг воҳа ҳақидаги таассуротини янада бойитади.

Кўргазмадан Сурхондарёнинг истиқлол йилларида саноат ва қишлоқ хўжалиги жабҳаларида эришган ютуқларидан ҳикоя қилувчи экспонатлар ҳам кенг жой олган. Технология жиҳатидан Ўрта Осиёда ягона саналувчи «Олтин чигит» Ўзбекистон-Греция қўшма корхонаси маҳсулотлари аллақачон деҳқонлар тилига тушган. Чунки унда тайёрланаётган уруғлик чигит ва ғалла 99 фоиз ўсувчанликка эга. «Сурхан ажанта лимитед» қўшма корхонаси маҳсулотлари эса нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам анча машҳур бўлиб қолган. Мазкур қўшма корхонада маҳаллий хомашёдан дори тайёрлаш кенг йўлга қўйилаётгани, айниқса, қувончли ҳол.

Айни кунларда Сурхондарё улкан қурилиш майдонига айланган, десак муболаға бўлмайди. Барча туманларда янгидан-янги коллежлар, гузарлар, маданий-маиший хизмат объектлари қурилиши авж олган. Янги саноат корхоналари қад кўтармоқда. Айниқса, Термизнинг 2500 йиллиги муносабати билан вилоят марказида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари кишини жуда қувонтиради.

Булар воҳа аҳли истиқлол берган улкан имкониятлар туфайли аллақачон тараққиётнинг катта йўлига чиқиб олганидан далолат беради.

Буни кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққан Олий Мажлис қўмитаси раиси Н.Жўраев, «Тафаккур» журнали бош муҳаррири, Олий Мажлис депутати Э.Аъзамов ҳам алоҳида таъкидлади.

Мусулмон НАМОЗ,
ЎзА мухбири.
Муҳаммад АМИН
(ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилади:

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси 2001 йил 29 август куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси **Э.ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 27 июл

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олтинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш мўлжалланмоқда:

1. Марказий сайлов комиссиясининг айрим сайлов округларида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайлови якунлари тўғрисидаги ахбороти.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2001 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида.

3. «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексига ва Жиноят-процессуал кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.

4. «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (учинчи ўқиш).

5. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

6. «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида.

7. «Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.

8. «Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

9. «Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

10. «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.

11. «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.

12. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.

13. Халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш тўғрисида.

* * *

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига киradиган бошқа масалаларни ҳам киритиш назарда тутилмоқда.

Янгийўл шаҳридаги «Росси СА» Ўзбекистон-Болгария қўшма корхонасида экспортбоп кандолат маҳсулотлари тайёрланмоқда.

«РОССИ СА»НИНГ ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТЛАРИ

Бундан тўрт йил бурун шаҳар вокзали ёнидаги кўримсизгина бинода Болгариянинг «Едросси» фирмаси билан ҳамкорликда иш бошлаган корхона бугун ўзининг замонавий ишлаб чиқариш мажмуига эга. Хомашёнинг қарийб 90 фоизи ўзимизда етиштирилгани учун корхонада тайёрланаётган қандолат маҳсулотларининг тури кўпайди. Сифати яхшланди. Нархи ҳам харидорни ранжитмайди. Энг асосийси, 150 нафар йигит-қиз доимий иш билан таъминланди.

- Дастлаб кунига бор-йўғи 300-400 килограмм икки-уч хилдаги қандолат маҳсулотлари тайёрлар эдик,- дейди корхона раҳбари Ш.Раҳимов. - Бизга ўзимизга мос хорижий ҳамкор керак эди. Ниҳоят болгарияликлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришни замонавий технология билан жиҳозладик. Ана шундан кейингина ишларимиз юришиб кетди. Ҳозирда кунига 10-12 тоннага яқин 25 хилдаги маҳсулот тайёрлаяпмиз. Бизнинг экологик тоза, ширин-шакар хомашёлардан тайёрлаётган маҳсулотларимиз хориждаги харидорларга ҳам манзур бўлмоқда. Олинаётган фойданинг деярли ҳаммаси корхонани кенгайтириш, маҳсулот сифатини яхшилашга сарфланмоқда.

(ЎзА).

Ҳур Ўзбекистонда қонун устувор

ИШ ҲАҚИ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Улуғбек Аллаберганов асли Бухоро туманидан. Кейинчалик у Қоровулбозор туманидаги Ал-Фарғоний номли ширкат хўжалигига ишга киради. Хўжаликда меҳнат қилиб юрган кезларида Ҳарбий хизматга чақирилади. Қонунга кўра, бундай пайтда маъмурият у билан тўлиқ ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириши зарур эди. Аммо ширкат хўжалиги бошқаруви, мутасаддилар қонун талабларини унутиб қўйдилар. Натижада У.Аллаберганов хизматга кетгач, унинг онаси Адолат Қиличева ўғлининг иш ҳақини талаб қилиб, узоқ вақт мазкур хўжаликка қатнади. Йўл азоби деганларидек, у қанчадан-қанча вақтини бекор сарфлаб сарсон бўлди. Отангга бор, онангга бор қабилида иш тутган раҳбарият А.Қиличевани ёлғон-яшиқ ваъдалар билан алдаб келди.

Охири, у ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат этади. Вилоят прокуратурасининг аралашуви билан ўз хизмат вазифасига масъулиятсизларча ёндошиб келган хўжалик бошқаруви раиси Ш.Норов, бош ҳисобчи К.Рўзиев, бош иқтисодчи М.Рўзиева ва бошқа мутасаддилар жавобгарлик ҳиссини англай бошладилар.

Прокуратуранинг йўллаган амрномасига мувофиқ Улуғбек Аллабергановга ўз вақтида тўланмай қолган 79850 сўм иш ҳақи ундириб берилди.

Мустақил Ўзбекистонимизда қонун устувор. Афтидан, буни ширкат хўжалиги раҳбарияти унутишганга ўхшайди. Йўқса, улар ўз ишчиларига бундай муносабатда бўлишмасди. Иш ҳақини ўз вақтида тўлашни ташкил этиш меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашнинг муҳим омили эканлигини унутишга эса ҳеч бир раҳбарнинг ҳаққи йўқ.

И.ЙЎЛДОШЕВ.

ЎЗБЕК ТОЛАСИ ХОРИЖГА

Бу йил Навоий пахта тозалаш корхонаси 33 минг тонна хом-ашёдан 10 минг 400 тонна пахта толаси ишлаб чиқариб, маҳсулотнинг асосий қисми Швейцария, Англия, Россия ва бошқа хорижий мамлакатларга сотишга эришди.

- Натижада жамоамиз 28 миллион 744 минг сўм фойда кўрди, - деди корхона раҳбари Жаҳонқул Абдиев "Туркистон-пресс" мухбирига.

Ж. Абдиевнинг сўзларига қараганда, корхона қошида бир неча йилдирки, 80 ўринли Амир Темур номли болаларни соғломлаштириш оромгоҳи ҳам ишлаб турибди. Шунингдек, шаҳардаги 10-ўрта мактаб ҳам корхона оталиғида.

- Янги ўқув йилидан бошлаб беш нафар ўқувчига стипендия ҳам таъсис этмоқчимиз. Бу бизнинг аълочи ўқувчилар учун туҳфамиз бўлади, - деди сўзининг якунида Ж. Абдиев.

БАРЧАГА МАНЗУР

Юртимизда маънавий-маърифий масканлар фаолиятини тубдан яхшилашга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, мустақиллик айёмининг ўн йиллиги арафасида Ўзбекистон Давлат санъат музейи тўла таъмирдан чиқарилди. Бу ерда мамлакатимиз халқлари тарихига оид 50 мингдан зиёд нодир буюм сақланади. Айтиш жоизки, улар орасида ҳанузгача томошабинлар эътиборига тўла ҳавола этилмаганлари ҳам анчагина. Шу боис музейда ана шундай асори-атиқалардан иборат махсус кўргазма ташкил этилди. Истиқлолимизнинг ўн йиллигига бағишланган мазкур кўргазмада халқимизнинг бой тарихига оид юзлаб нодир ашёлар намойиш этилмоқда.

(ЎзА).

«Ишонч» фош этади

Инсон борки, умри мобайнида халол меҳнат қилиб, қариган чоғимда роҳатда бўлсам, дейди. Зеро, мустақил Ўзбекистонимизда фахрийлар, табаррук инсонлар алоҳида эъзозда. Хукуматимиз, шахсан Президентимиз бахтимиз, суянган тоғимиз бўлмиш бу инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, мустаҳкам ижтимоий химоясини таъминлаб келмоқда.

ПЕНСИЯ пулини ўзлаштирган ким?

Бахтга қарши, шундай кимсалар ҳам бор эканки, улар ўз манфаатлари йўлида ҳатто пенсионерлар ҳақига кўз олайтиришдан ҳам тап тортмас экан. Қўшработ туманидаги О.Қодиров номли қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган Қоратош алоқа бўлими бошлиғи К.Абдумуродов ана шундай нопоклардан бири бўлиб чиқди. У виждони қийналмай, апрел ойида пенсия тўловига ажратилган 400.000 сўмни олди-ю, анчадан буён дилига тугиб юрган режани амалга оширишга киришди. Оқибат-натижада нафақахўрлар — Н.Бўриеванинг 4675 сўм, Т.Муродованинг 2337, З.Бўриевнинг 5300, А.Қаршиеванинг 3462, К.Ҳайитованинг 2686 сўм нафақа пулини чегириб, киссасига урди. Боз устига, К.Абдумуродов алоқа бўлими хазинасидаги пул камомадига ҳам йўл қўйган экан.

Шу тумандаги «Бозорбой» алоқа бўлими бошлиғи Б.Пўлатовнинг нафси ўпқонлиги барчани ҳайратга солди. Сертакалуф, кўпга ўзини меҳрибон қилиб кўрсатиб юрадиган бу кимса устаси фаранг чиқиб қолди. У ўтган йили ноябр-декабр ойларида 69 нафар нафақахўрга берилиши керак бўлган 492.305 сўмни иккиланмай ўзлаштириб юборган.

Қаерда ўзаро талабчанлик муҳити сусайса, раҳбар меники тўғри, қабилида иш юритса, ўзибўларчиликка йўл қўйса, табиийки, жиддий камчиликларга йўл қўйилади. Мазкур туманнинг марказида яшовчи қатор кишиларга нафақа тайинлашда ижтимоий таъминот бўлими ходимлари томонидан қонун талаблари бузиб келинган. Режали текшириш ўтказилгандан кейингина барча қонунбузарликлар юзага чиқди.

Пенсия таъминоти борасида Самарқанд шаҳридаги банк муассасалари ҳам қонунбузарликка йўл қўйишган. Жумладан, шаҳар уй-жой қурилиш жамғарма банкига шаҳар почта бўлими томонидан ўз вақтида буюртма берилганига қарамасдан, ушбу банк пенсия тўлови учун нақд пул ажратишни асоссиз равишда пайсалга солган. Бу қанчадан-қанча отахону онахонларни ҳақли равишда ранжитди. Қарангки, масала кўндаланг қўйилгандан кейин ҳам буюртмадагига нисбатан кам пул ажратилибди. Инсон хатога йўл қўйиши мумкин. Бироқ, хатонинг хатодан фарқи бор. Табаррук инсонлар сабрсизлик билан кутаётган пенсияни ўзлаштирган ёки асоссиз равишда уни беришни чўзиб юборган кимсалар фаолиятини ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди. Улар қонун олдида жавоб беришлари керак.

Ё.ТУРДИЕВ,
Самарқанд вилоят прокуратурасининг умумий назорат бўлими прокурори.

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмалари корхоналарида

Қаранг, 80-йилларда мамлакатимизга ҳар йили четдан 6 миллион тонна нефт маҳсулотлари олиб келинарди. Лекин ўзимизда қазиб олинган газнинг анча қисми четга чиқиб кетарди.

«МУБОРАКНЕФТГАЗ» – МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА

Шу боис мамлакатимиз раҳбарияти истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ нефт ва газ ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва миқёсларини кенгайтиришга жиддий эътибор қаратди. Ўзбекистонда нефт ва газ саноатини ривожлантиришнинг 1993-2000 йилларга мўлжалланган концепцияси ишлаб чиқилди. Натижада 1995 йилга келиб республика бўйича 7,6 миллион тонна нефт ва газ конденсати қазиб олинди. Мамлакатимиз амалда нефт мустақиллигига эришди.

Бунда бизнинг «Муборакнефтгаз» нефт ва газ конлари бошқармамизнинг камтарона ҳиссаси бор, албатта. Чунки, мамлакатимизда қазиб олинаётган суюқ углеводородларнинг (нефт, конденсат) 80 фоизи, табиий газнинг 60 фоизидан ортиқроғини бошқармамизга қарашли конлар беради. Ҳозирги вақтда корхона тасарруфида 62 та газ, газ конденсат, нефтгаз, нефтгазконденсат, нефт конлари мавжуд бўлиб, улар асосан Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида жойлашган. Бу конларнинг 24 таси ишга туширилган. Қолганлари вақтинчалик заҳирада ёки ишга туширилиш арафасида. Айни чоғда Кўкдумалоқ, Зеварда, Памуқ, Алан, Ўртабулоқ, Денгизкўл каби асосий конларимиздан қазиб олинган нефт, газ, газ конденсати улкан қувурлар орқали Муборак газ Бухоро нефтни қайта ишлаш корхоналарига етказиб берилмоқда. Қоровулбозор, Муборак нефт қуйиш эстакаларида йиғилиб қолган маҳсулотлар темир йўл орқали Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонасига жўнатилмоқда.

Нефт мустақиллигига эришишда Кўкдумалоқ конининг ҳиссаси катта. Шу боис бу ерда истиқлол йилларида йирик ишлар амалга оширилди.

1995 йил май ойида заҳираларни ўзлаштиришни жадаллаштириш мақсадида газни комплекс тайёрлаш қурилмаси ишга туширилди. Корхонага чет эл сармояларини жалб қилиш борасида ҳам бир мунча ишлар амалга оширилди. Масалан, 1997 йилда АҚШнинг «Келлог» ва Япониянинг «Нишо Иваи» компаниялари билан ҳамкорликда компрессор станцияси фойдаланишга топширилди. Айни кунларда бу станция ёрдамида таркибида конденсати ажратиб олинган газ қайта ер ости омборига ҳайдалди. Бундан мақсад олиниши керак бўлган газ конденсати миқдорини оширишдир. Америка Қўшма Штатларининг «Дрессер-Ронд» компрессорлари билан жиҳозланган 4 та тизимдан иборат ушбу станция МДҲда ягонадир. Энг муҳими шу кунларда бундай мураккаб ускуналарни ўзимизнинг йигитлар бошқаришмоқда. Кўкдумалоқда қурилган бундай иншоотларни ишга туширишда Р.Келеш, Ж.Шамсиев, Т.Тангриев, Ф.Ашуров, К.Бўронов, Э.Аллақулов каби мутахассисларнинг хизматлари катта бўлди.

Яқин келажакда қилинадиган ишлар ҳам анчагина. Мисол учун ҳозирги кунда Алан, Шимолий Помуқ, Шода каби янги газ конларини фойдаланишга топшириш юмушлари олиб борилмоқда. Шимолий Ўртабулоқ, Қуруқ конларига замонавий техника ва технологияларни татбиқ этиб, қудуқларни сифатли таъмирлашни ҳам режаларимизга киритганмиз. Қазиб олинаётган маҳсулот сифатини янада яхшилаш, шу билан уни жаҳон андозалари талабларига тўла мослаштириш ҳам асосий вазифаларимиздан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси биринчи ўринга қўйилганини эътиборга олган ҳолда бир мунча ишлар қилинди. Бу юмушни ҳаётга татбиқ этишда биз касаба уюшма Марказий қўмитаси билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Натижада ўтган йили республикамиз ва қўшни давлатлардаги санаторий ва профилакторийларда ходимларимиздан 1440 нафари дам олиб, соғлиқларини мустаҳкамлади. Бунга 47,5 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Шунингдек ҳамма байрамларда ишчи ва хизматчилар моддий рағбатлантирилиб борилади. Илгари шу ерда самарали меҳнат қилган фахрийлар ва ногиронлардан хабар олинади. Уларга моддий ёрдамлар уюштирилади. Оталиғимиздаги болалар боғчалари ва уйлари, мактаблар доимий эътиборимизда.

«Оналар ва болалар йили» муносабати билан тизимда меҳнат қилаётган хотин-қизларга кўплаб имтиёзлар берилди. Хусусан, уларга дам олиш уйлари, санаторий ва профилакторийларга бошқарма ҳисобидан қўшимча йўлланмалар ажратилмоқда. Олти ёшгача фарзандлари бор аёлларнинг ойлик маоши тўлиқ сақланган ҳолда уларнинг иш куни бир соатга қисқартирилди.

«Ёш алангачи» болалар оромгоҳимизни бу йил қатта маблағ сарфлаб, тубдан таъмирладик. Бошқача айтганда, мазкур дам олиш масканини жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб берадиган даражага келтирдик. Айни чоғда бу ерда ишчиларимизнинг фарзандлари мириқиб дам олишмоқда. Улар оромгоҳда хоҳласа футбол, волейбол, баскетбол ўйнашади, хоҳласа замонавий бассейнда чўмилишади ва ҳоказо. Бу ерда ҳатто теннис кортигача бор. Болаларнинг овқатланиши ҳам яхши ташкил қилинган. Таомномадан иссиқ овқатлардан ташқари асал, музқаймоқ, тухум, сарёғ, сут, қатиқ маҳсулотлари ўрин олган. Хуллас, бу ерда мавсум охиригача 1,5 мингга яқин ишчи ва хизматчиларнинг фарзандлари имтиёзли дам олиб қайтадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида»ги Қарорини бажариш мақсадида ҳам бир мунча ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, шу муҳим ҳужжат эълон қилинганидан кейин Қорақалпоғистондан иложи борича кўпроқ болаларни оромгоҳимизда дам олдиришга қарор қилдик. Ҳозирги кунда уларнинг биринчи гуруҳи бу ерда дам олиб, соғлиқларини тиклашмоқда.

Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги нишонланадиган кун тобора яқинлашиб келмоқда. Барча қатори бошқармамиз ишчи-хизматчилари ҳам бу улуғ байрамга муносиб совғалар тайёрлаш руҳи билан меҳнат қилмоқдалар.

Нуриддин ЗАЙНИЕВ,
«Муборакнефтгаз» нефт ва газ конлари бошқармаси бошлиғи,
Олий Мажлис депутати.

Ижтимоий ҳимоя

БАХТИМИЗГА АЁЛЛАР БОР БЎЛСИН

Республикамизда «Она ва бола» Давлат дастури ишлаб чиқилиши муносабати билан бошқарма маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан хайрли тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Унга асосан жамоа шартномасига кўплаб қўшимча имтиёзлар киритилди.

Жумладан, хотин-қизларга соғломлаштириш масканлари, дам олиш уйлари, санаторий ва профилакторийларга бошқарма ҳисобидан қўшимча йўлланмалар берилмоқда. 6 ёшгача фарзандлари бўлган аёлларнинг маоши тўла сақланган ҳолда иш куни бир соатга қисқартирилди. Уларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва даволанишлари учун бошқарма ҳисобидан маблағ ажратилди. Шунингдек, ишловчи аёлларнинг ҳомиладорлиги беш ойдан ўтган вақтдан бошлаб таътилга чиқиши имконияти яратилди. Ногирон фарзандлари бўлган, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга мунтазам равишда моддий ёрдам бериб борилмоқда.

Бола тарбияси билан машғул бўлган оналарга бир марта ўртача иш ҳақи миқдорида моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Касб касалликлари билан оғриган, даволанишга муҳтож аёллар эса имтиёзли йўлланмалар билан соғломлаштириш масканларига юборилмоқда.

8 март байрами муносабати билан бошқармада меҳнат қилаётган 437 нафар хотин-қиз маъмурият томонидан энг кам иш ҳақининг 4 баробари миқдорида моддий рағбатлантирилди. Улар учун байрам дастурхони ташкил қилинди. Бошқармада ишлаб, шу ерда меҳнат нафақасига чиққан 126 нафар фахрийлар ҳам тантанага таклиф қилиниб, моддий ёрдам кўрсатилди.

«Наврўз» умумхалқ байрамида ҳам хотин-қизлар амалий кўмакдан баҳраманд бўлдилар. Бошқарма оталиғидаги «Гулноз», «Эртак» ва «Олтин калитча» болалар боғчалари мураббий ва тарбиячиларини рағбатлантириш мақсадида ушбу ташкилотларга жами 800 минг сўмга яқин маблағ ўтказиб берилди.

Бошқармага қарашли кон, цех, участка ва бўлимларда меҳнат қилаётган ишловчилар болалари учун суннат тўйлари ўтказиб бериш анъанага айланган. Масалан, шу кунгача корхона бўйича 46 нафар бола хатна қилдирилди. Шулардан 13 нафари Меҳрибонлик уйи ва тумандаги кам таъминланган оила фарзандларидир. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига 5000 сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди.

Корхонада ишчи ва хизматчиларнинг маданий дам олишларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Масалан, қадимий шаҳарлардан Самарқанд, Бухоро, Хива, Урганч ва бошқа жойларга бепул саёҳатлар ташкил қилинди. «Қашқадарё сохили» санаторийсида йил бошидан буён 344 нафар ишловчи ва уларнинг оила аъзолари текин даволаниб қайтишди. Республикамиздаги мавжуд санаторийларга 62 дона йўлланма ишловчиларга имтиёзли нархларда берилди.

Бошқарма тасарруфидаги «Ёш алангачи» болалар оромгоҳида ёзги соғломлаштириш мавсуми бошланиши муносабати билан 1- ва 2- мавсумга ишловчиларнинг болалари учун 700 дона йўлланма имтиёзли равишда ажратилди. Шу жумладан Китоб тумани «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари учун 60 дона йўлланма бепул берилди.

Давлат БОЗОРОВ,
Бошқарма касаба уюшма қўмитаси раиси.

Оромгоҳимиз Китоб туманининг энг хушманзара ва кўркам тоғ бағирларида жойлашган. Тоза ҳаво, дарахтларнинг қуюқ сояси киши танига ором бахш этади, кайфиятини кўтаради.



Болаларнинг мириқиб дам олишлари, жисмонан чиниқиши учун оромгоҳимизда ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Ошхонамизда турли-туман таомлар тайёрланади. Кутубхонада маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб турилади.

Болалар ёзи — катта имтиҳон

ТОҒ БАҒРИДА

Турли спорт тўгаракларини ташкил этганмиз. Бошқача айтганда болалар бу ерда шахмат-шашка, волейбол, теннис каби спорт турлари билан шуғулланиш имкониятига эга.

Бунда «Муборакнефтгаз» нефт ва газ конлари бошқармаси раҳбарияти, қолаверса, унинг бошлиғи Нуриддин Зайниевнинг ҳиссаси катта бўлди. Унинг ташаббуси ва амалий ёрдами билан оромгоҳимиз ўтган қисқа вақт ичида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Шу йилнинг ўзида 50 ўринли янги ётоқхона, тоғнинг биллур сувини сочиб турадиган фаввора, замонавий ошхона, болалар театри биноси қайта қурилди. Фавворага мармар билан безак берилди. Болаларни кўришга келган ота ва оналар учун хоналар ташкил этилди. Дам олиш масканини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш борасида ҳам бир мунча ишлар бажарилди. Масалан, оромгоҳ ҳудудида 1500 туп манзарали, 200 туп атиргул, 400 туп терак ниҳоллари ўтказилади. Тоғнинг юқори қисмидан булоқ суви келтирилди. 200 квадрат метрга асфальт ётқизилди. 300 квадрат метр майдон шаклли тошлар билан безатилди.

Айни чоғда бу ерда 350 нафар бола мириқиб дам олишмоқда. Улар яшаётган хоналар шинам, ёруғ ва озода. Жажжилар учун тайёрланаётган овқатлар санитария талаблари меъёрига тўла жавоб беради. Хусусан, гўшт, сут, ун, ҳўл мева ва сабзавот маҳсулотларини сақлаш учун алоҳида хоналар ажратилган. Нон ва нон маҳсулотларини тайёрлаш шу ернинг ўзида йўлга қўйилган. Ёзги кинотеатрда болаларбоп бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиш этилмоқда. Мустақил республикамизнинг гўзал ва сўлим жойлари, бойликлари, тарихий шаҳарлари, янги бунёд этилаётган замонавий иншоотларини акс эттирувчи видеотасмалар шулар жумласидандир.

Оромгоҳда дам олаётган ҳар бир боланинг соғлиғини тиббиёт ходимлари мунтазам назорат қилиб туришади. Тиббиёт пункти зарур бўлган дори-дармонлар билан етарлича таъминланган. Ҳар хил кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш учун оромгоҳга навбатчи автомашина, ички ишлар ходими, нурчи, тиббиёт ходими бириктирилган. Дам олиш маскани заҳирадаги ток манбаи ускунасига эга. Маънавият ва маърифат хонаси турли соҳага оид адабиётлар, кўргазмали қуроллар билан бойитилган. Жорий йилнинг ўзида кутубхона учун 100 минг сўмлик янги китоблар сотиб олинди.

Болалар масканида теннис корти ишлаб турибди. Ўйингоҳ ва йўллар 100 дан ортиқ чироқлари билан ёритилган. Бу ерда турли тўгараклар ишлаб турибди. Компьютер, техник моделчилик, бичиш-тикиш ва бошқа тўгаракларда қатнашаётган ёшлар уйларига касб ўрганиб қайтишмоқда. Бундан ташқари болаларни тарихий жойларга саёҳатга олиб бориш, турли спорт мусобақаларини ўтказиш тадбирлари режа асосида олиб борилаётир. Шу боис бу ерда дам олаётган ўқувчилар ҳар бир дақиқани мазмунли ўтказишмоқда.

Ҳайдар ҚАЛАНДАРОВ,
Бошқармага қарашли «Ёш алангачи» болалар оромгоҳи раҳбари.

OLAMDA

Ироқ ҳаво мудофааси кучлари ўтган чоршанба куни АҚШнинг «У-2» русумли жосус самолётини уриб туширишга ҳаракат қилди. Пентагон расмий вакили Дэвид Гайнинг таъкидлашича, мазкур самолёт Ироқ авиацияси учун ёпиқ ҳисобланган ҳудудни назорат қилаётган пайтда ўққа тутилган, бироқ унга ҳеч қандай шикаст етмаган.

***

Шри-Ланка президенти Чандрика Кумаратунга мамлакат халқини ва сиёсий кучларни террорчиликка қарши курашда ҳукумат атрофида жипслашишга чақирди.

Ҳафтанинг бошида тамил айирмачилари ҳарбий-ҳаво кучлари базаси ҳамда пойтахт Коломбо яқинидаги халқаро аэропортга қўққисдан ҳужум уюштирган, натижада йигирмадан ортиқ киши ҳалок бўлган эди.

***

АҚШ конгресси аъзолари мамлакат фуқароларининг Кубага боришини чеклаш ҳақидаги қонунни бекор қилиш масаласини кўриб чиқмоқда. Ташаббускорларнинг таъкидлашича, қонун бекор этилса, бу АҚШ-Куба алоқалари ривожланиши ҳамда оролда демократик жараёнлар тезлашишига ёрдам беради.

***

Ҳиндистоннинг Жамму ва Кашмир штатидаги хавфсизлик кучлари «Ҳизб-ул-мужоҳидин» гуруҳининг раҳбарларидан бири Абдулла Ҳамидни ўлдирди. Сринагардаги ҳарбий қўмондонликдан маълум қилинишича, «Масъуд қўрбоши» лақаби билан машҳур бу жангари ҳукумат ҳарбийлари ва жангарилар ўртасидаги отишма чоғида ҳалок бўлган.

***

Непал қироли Гьянендра бош вазир Баҳодиршоҳ раҳбарлигидаги ҳукуматнинг янги таркибини тасдиқлади. Баҳодиршоҳ ўз лавозимидан ижро этишдан ташқари, мудофаа ва ташқи ишлар вазирликларини ҳам бошқаради. Мамлакат ички ишлар вазири этиб Хем Баҳодир Кхадка, молия вазири этиб эса Рам Шаран Махат тайинланди.

Хитой ҳукумати Шимолий Корея раҳбари Ким Чен Ирнинг Россияга борганидан мамнун. Хитой ташқи сиёсат маҳкамаси баёнотида таъкидланишича, КХДР ва Россия қўшни давлатлардир, шу боис, уларнинг дўстона муносабатларини алоҳида эътиборга олмоқ лозим.

***

Исроилликлар келаси якшанба куни Қуддусда Сулаймон ибодатхонасига биринчи ғишт қўймоқчи. Шу муносабат билан Фаластин хавфсизлик кучлари ҳамда полициячилар жанговар ҳолатга келтирилди. Мухторият етакчилари вазият кескинлашиб кетишидан хавфсираб кетма-кет мажлис ўтказмоқда.

***

Канада ҳукумати биологик қуролларни тақиқлаш ҳақидаги халқаро конвенцияни ўзгартириш тўғрисидаги протоколни қўллаб-қувватламагани учун АҚШни танқид қилди. Ташқи ишлар вазири Жон Мэнли Ханойда, АСЕАН анжуманида Оқ уй маъмуриятининг бундай ҳатти-ҳаракати кўп жиҳатдан номаъқул эканини айтди.

***

Машҳур «Битлз» гуруҳи асосчиси Пол Маккартни икки йиллик бўйдоқликдан сўнг яна уйланишга қарор қилди. У олтмиш ёшга бориб қолган бўлсада, ўттиз уч ёшли фотомодел Ҳитер Миллз билан турмуш қурмоқчи.

П.Маккартни энг бой қўшиқчилардан биридир. Унинг мол-дунёси ва маблағлари тахминан 1,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

***

РИГА. Болтиқбўйи давлатлари бўйлаб сафарга чиққан Франция президенти Жак Ширак Латвияга келди. У ташриф мобайнида Латвия ҳукумати вакиллари билан учрашиб, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик ҳамда Европа хавфсизлиги масалалари хусусида фикр алмашади.

***

ҒАЗО. Рамаллоҳ шаҳри чегарасида Фаластин ҳарбийлари билан Исроил полицияси ўртасида яна бир тўқнашув содир бўлди. Фаластин хавфсизлик хизмати вакилларининг айтишича, отишмада бир неча киши яраланган ва бир исроиллик бола ҳалок бўлган.

(ЎзА).

NIMA GAP

TV дастури

30 июл - 5 август

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 30

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
*
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 Улуғ аждодларимизга эҳтиром. «Ўзбектелефильм» намойиши: «Мирзо Улуғбек».
9.20, 12.25 ТВ метео.
9.25 «Ўзбекистон - Ватаним маним». Мусиқий дастур.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:

10.05 «Филча ва мактуб». Мультфильм.
10.15 «Семурғ». Бадиий фильм.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
11.55, 13.05 ТВ анонс.
12.05 «Шохрух клуби».
12.30 «Ранглар жилоси».
12.45 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.10 «Олам қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
13.45 ТВ-1 намойиш этади:
14.10 «Қишлоқ ҳаёти».
14.25 Кундузги сеанс. «Улан». Бадиий фильм.
16.00 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига**. «Биз билган, билмаган тарих» рукнидан: «Она ер». 1-қисм.
16.20 «Қуён оғаникида ҳовли тўйи». Мультфильм.
16.40 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
17.10 «Янги аср сийрати».
17.20 Ўз ТВ хазинасидан. «Бобур». Видеофильм. 4-қисм.
18.10 «Ўзбекистон фуқароси».
18.25 ТВ клип.
18.35 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истиқлол нашидаси». Мусиқий дастур.
21.35 «Маънавият» дастури.
22.20 «23,5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 15-қисм.
22.45 «Ахборот».
23.20-23.25 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

16.00 Кўрсатувлар дастури.
16.05 «Давр» ҳафта ичида.
16.45 «Янги авлод» почтаси.
17.05 «Мульттомоша».
17.20 Спорт ҳафтаномаси.
17.35 «Давр»-news.
17.50 «Сиҳатгоҳ қўйнида».
18.05 «Камолот». Ҳаваскорлар телетанлови.
18.25 Ўзбегим кураши.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 «Тандир, арча, олов». Телефильм.
19.50 Ёшлар овози.
20.10 Қишлоқдаги тенгдошим.
20.30, 21.20, 22.30 Эълонлар.
20.35 «Индиана Жонс: тақдир эҳроми». Бадиий фильм. 1-қисм.
21.25 «Бир ўлка-ки...»
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.15-1.20 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.05 Мультфильм.
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Мустақиллик тенгдошлари».
19.05, 20.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.15 «t° 36,6». Мусиқий дам олиш дастури.
20.15 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
21.25, 22.25 «Ўзбегим навоси».
22.10 «Долзарб мавзу».
22.55 ТТВда сериал: «Селеста».
23.40 «Авто-news».
23.55 Оҳанглар ва эълонлар.
24.00-00.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
*
15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
17.20 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
17.30 М. Евдокимов ҳузурида меҳмонда.
*
18.00 «Муҳаббат замини». Сериал.
*
19.00 «Мени кутгил».
20.00 «Время».
20.40 «Чангалзорлар қонуни». Ҳужжатли сериал (Би-Би-Си)
21.35 «Бизнес-ревю».
21.40 «Олам бўйлаб».
22.20 «ТВ-4 да Немис тўлкини».
22.40 Кинематограф. «Мотекумба хазинаси». Бадиий фильм.
00.15 «Ахборот» (рус тилида)
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА, 31

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Сополда акс этган дунё».
9.10, 12.25 ТВ метео.
9.15 «Наво таралсин». Мусиқий дастур.
9.40 «Жаҳон киноси юлдузлари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:

10.05 «Фламинго». Кинокўрсатув.
10.30 «Кўчатлар». Бадиий фильм.
12.05 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
12.30 «23,5 даражали бурчак остида». Телесериал. 15-қисм.
12.55 «Даврани кенгроқ олинг». Мусиқий дастур.
13.30 «Яккама - якка жанг». Спорт дастури.
13.50 ТВ анонс.
14.10 «Маънавият» дастури.
14.55 Кундузги сеанс: «Камтарин қулингиз» Бадиий фильм.
16.15 ТВ клип.
16.25 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига**. «Биз билган, билмаган тарих» рукнидан: «Она ер». 2-қисм.
16.45 «Олтин тақа». Мультфильм.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Орзулар довони».
18.20 «Адолат мезони».
18.40 «Омад қувончи». Телелотерея.
19.10 «Мулк».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Долзарб мавзу».
21.20 «Истиқлол нашидаси». Мусиқий дастур.
21.30 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига**. «Тарих кўзгуси». Давлатчилигимиз тарихидан. Видеофильм. 1-қисм.
22.00 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» –»Қизилқум».
22.45 «Қўшиқ-ла ҳаёт гўзал». Мусиқий дастур.
23.05 «Ахборот».
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси.
9.35 «Мульттомоша».
9.50 «Бу ҳам кино». Хужжатли телесериал.
10.10 Ёшлар овози.
10.30 «Индаба». Телесериал.
10.55 2001–Оналар ва болалар йили. «Фарзандим – жигарбандим».
11.10 «Даллас». Телесериал.
11.55 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
13.30 Кўҳна оҳанглар.
13.40 Автосалтанат.
13.55 «Индиана Жонс: тақдир эҳроми». Бадиий фильм 1-қисм.
14.40 Ёзги таътил экрани. «Шумтакалар». Мультсериал.
15.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 100-қисм.
15.50 Олтин мерос.
15.55 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
16.25 Азизим.

* * *

16.50 Кўрсатувлар дастури.
16.55 Болалар учун концерт.
17.10 «Мульттомоша».
17.25 Таянч.
17.40 «Ўзбекистон дурдоналари».
17.50 Минг бир маслаҳат.
18.10 Автoрейд.
18.25 Алишер Навоийнинг 560 йиллигига. «Ғазал соғинчи».
18.45 Оқшом наволари.

18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 «Давр»- интервью.
19.50 Равшан Комилов куйлайди.
20.10 Марди майдон.
20.30, 21.20, 22.30 Эълонлар.
20.35 «Индиана Жонс: тақдир эҳроми». Бадиий фильм. 2-қисм.
21.25 Ёшлар овози.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Снукер бўйича мусобақалар.
0.20-0.25 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.05 Мультфильм.
18.15 «Яхши дам – меҳнатга ҳамдам».
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Мустақиллик тенгдошлари».
19.05, 20.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.15 «t° 36,6». Мусиқий дам олиш дастури.
20.15 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
21.25, 22.40 «Ўзбегим навоси».
22.10 «Туризм ҳақида».
23.10 ТТВда сериал: «Селеста».
23.55 Оҳанглар ва эълонлар.
24.00-00.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
17.15 «Клип-антракт».
*
17.20 «Рус экстрими».
*
17.50 «Муҳаббат ери». Сериал.
18.50 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
19.00 «Тармоқ». Сериал.
*
20.00 «Время».
*
20.40 «Бизнес-ревю».
20.45 «Бебилиска пул». Сериал.
21.35 CFI тақдим этади: «Ўтган кунлар ёдида».
21.55 «Клип-антракт».
22.05 Кинематограф. «Фантастик саёҳат». Бадиий фильм.
23.45 «Ахборот» (рус тилида)
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 1

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Учқора».
9.05 , 12.20 ТВ метео.
9.10 «Рақслар гулдастаси».
9.35 «Ўзбек спорти одимлари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:

10.05 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
10.30 «Одам – амфибия». Бадиий фильм.
12.05 «Камолот сари».
12.25 «Қўрқоқ бегемот». Мультфильм.
12.40 «Мусиқий учрашувлар». Ўрта Чирчиқ райони меҳнаткашлари ҳузурида.
13.10 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
13.30 «Мураббий». Спорт дастури.
13.50, 16.10 ТВ-анонс.
14.10 «Остонаси тиллодан».
14.35 Кундузги сеанс: «Қадимги шўхликлар». Бадиий фильм.
15.45 «Симфоник куйлар оғушида». Мусиқий дастур.
16.05 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига**. «Биз билган, билмаган тарих» рукнидан: «Она ер». 3-қисм.
16.25 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
17.00 ТВ клип.
17.10 ЎзТВ хазинасидан. «Бобур». Видеофильм. 5-қисм.
18.10 «Улғайиш поғоналари». Тележурнал.
18.35 «Иқтисод ва биз».
18.45 «Куйла, ёшлигим». Мусиқий дастур.
19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Олтин мерос».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Аския кечаси».
21.45 «Шу азиз Ватан - барчамизники». Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар фестивали. Жиззах вилояти.
22.05 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Академия» – «Трактор».
22.50 «Олам». Телеальманах.
23.25 «Ахборот».
24.00-00.05 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 Болалар учун концерт.
9.30 «Мульттомоша».
9.45 «Бу ҳам кино». Хужжатли телесериал.
10.10 «Давр»-интервью.
10.25 «Индаба». Телесериал.
10.50 Ёшлар овози.
11.10 «Даллас». Телесериал.
11.55 Таянч.
12.05 «Камолот». Ҳаваскорлар телетанлови.
12.25 Ёзги таътил экрани. «Эркатой». 1-қисм («Ўзбектелефильм»)
13.00 «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали саҳифаларидан.
13.10 Хазина.
13.30 Қадрли сиймолар: Миртемир.
13.55 «Индиана Жонс: тақдир эҳроми». Бадиий фильм 2-қисм.
14.40 Алишер Навоийнинг 560 йиллигига. «Ғазал соғинчи».
15.00 Олтин мерос.
15.05 «Шумтакалар». Мультсериал.
15.30 Авторейд.
15.45 «Эҳтимол улар ақлдан озишгандир». Телесериал.
16.10 «Дил». Бадиий фильм. 1-қисм.
17.30 Ўзбегим кураши.

* * *

17.50 Кўрсатувлар дастури.
17.55 «Янги авлод» студияси: «Ассалом, оромгоҳ!»
18.15 «Мульттомоша».
18.30 Далил ва шарҳ. «Абитуриент-2001».
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 «Ракурс».
19.55, 20.25, 22.30 Эълонлар.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Очил дастурхон.
20.30 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
21.20 Ватан ҳақида қўшиқлар.
21.30 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига**. «Озод юрт фарзандлари».
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Каталог.
22.40 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.50 «Даллас». Телесериал.
23.35 «Давр». Ахборот дастури.
23.50 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.25 - 1.30 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.05 Мультфильм.
18.15 «Дурдона».
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Мустақиллик тенгдошлари».
19.05, 20.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.15 «t° 36,6». Мусиқий дам олиш дастури.
20.15 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
21.25, 22.25 «Ўзбегим навоси».
22.10 «Саломатлик маскани».
22.55 ТТВда сериал: «Селеста».
23.40 «Хайрли оқшом».
24.00 Оҳанглар ва эълонлар.
00.05-00.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
17.15 «Клип-антракт».
*
17.20 «Инсон ва қонун».
*
17.50 «Муҳаббат замини». Сериал.
18.50 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.55 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига**. «Менинг шаҳрим».
19.10 «Тармоқ». Сериал.
*
20.00 «Время».
*
20.40 «Бизнес-ревю».
20.45 «Бебилиска пул». Сериал.
21.35 «Кинопрофи».
22.00 «Саёҳатлар олами».
22.15 Кинематограф. «Тунукасозлар». Бадиий фильм.
24.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА, 2

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Бор экан-да, йўқ экан».
9.05, 12.25 ТВ метео.
9.10 «Шарқ тароналари». III халқаро мусиқа фестивали олдидан.
9.40 «Инсон ва қонун».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:

10.20 «Улғайиш поғоналари».
10.45 «Фил йўқолди». Бадиий фильм.
11.55 , 13.50 ТВ клип.
12.05 «Шу азиз Ватан – барчамизники». Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар фестивали. Жиззах вилояти.
12.30 «Аския кечаси».
13.10, 15.55 ТВ анонс.
13.15 «Олам». Телеальманах.
14.10 «Ринг». Спорт дастури.
14.30 Кундузги сеанс: «Шавкатли рицарь Айвенго ҳақида қисса». Бадиий фильм.
16.00 «Интерклуб». Телешоу.
16.45 Лирик тароналар.
17.10 «Тилга эътибор».
17.30 «Харита». Халқаро шарҳ.
17.45 «Шеър ва шуур».
18.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
18.30 «Яхши ният». Телелотерея.
19.05 «Куйлардан қўшиқларга».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Эстрада: бугун ва эртага».
21.35 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига**. «Тарих кўзгуси». Давлатчилигимиз тарихидан. Видеофильм. 2-қисм.
22.00 «23,5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 16-қисм.
22.25 «Саҳна ҳаёти».
22.55 «Ахборот».
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Ассалом, оромгоҳ!»
9.35 «Мульттомоша».
9.50 «Бу ҳам кино». Хужжатли телесериал.
10.10 Ракурс.
10.30 «Индаба». Телесериал.
10.55 Спорт қитъаси.

11.25 Сенинг вақтинг.
11.45 «Даллас». Телесериал.
12.30 Бегойим.
12.50 Ёзги таътил экрани. «Эркатой», 2-қисм.
13.25 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
15.00 Кўҳна оҳанглар.
15.10 «Шумтакалар». Мультсериал.
15.30 «Ўзбекистон дурдоналари».
15.40 «Дил». Бадиий фильм 2-қисм.
17.10 «Қиёфа».
17.25 «Ёшлар» телеканалида спорт. Снукер бўйича мусобақалар.

* * *

18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 «Мульттомоша».
18.25 Табобат оламида.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 Абдулҳай Каримов куйлайди.
20.15 Ёшлар овози.
20.35, 21.25, 22.30 Эълонлар.
20.40 «Индиана Жонс: тақдир эҳроми». Бадиий фильм 3-қисм.
21.30 Мезон.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.15-1.20 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.05 Мультфильм.
18.15 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига**. «Суҳбатдош».
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Мустақиллик тенгдошлари».
19.05, 20.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.15 «t° 36,6». Мусиқий дам олиш дастури.
20.15 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
21.25, 22.25 «Ўзбегим навоси».
22.10 «Тошкент ва тошкентликлар».
22.55 ТТВда сериал: «Селеста».
23.40 «Интерспорт».
23.55 Оҳанглар ва эълонлар.
24.00-00.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
*
15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
17.15 «Клип-антракт».
*
17.20 «Биз анойи эмасмиз». Ҳажвий журналнинг премьераси.
*
17.50 «Муҳаббат ери». Сериал.
18.50 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
19.00 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига**. «Эътироф».
19.10 «Тармоқ». Сериал.
*
20.00 «Время».
*
20.40 «Бизнес-ревю».
20.45 «Бебилиска пул». Сериал.
21.35 «Соккер-клуб».
21.55 «Дурдаршан».
22.15 Кинематограф. «Синема шайдолари». Бадиий фильм.
23.45 «Ахборот» (рус тилида)
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 3

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Халқ усталари сулоласи. Сўзана».
9.10 «Эстрада: бугун ва эртага». Мусиқий дастур.
9.40, 12.35 ТВ метео.
9.45 «Оламни асранг!»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:

10.05 «Сеҳрли анор ҳақида эртак», «Жонсарак». Мультфильмлар.
10.25 «Курьер». Бадиий фильм.
11.50, 14.35 ТВ-анонс.
12.05 «Тошкент баҳори – 2001». I Халқаро мусиқа фестивали.
12.40 «Саҳна ҳаёти».
13.10 «23,5 даражали бурчак остида». Телесериал. 16-қисм.
13.35 «Барҳаёт сиймолар». М. Юсупов.
14.10 «Цирк, цирк, цирк...»
14.45 Кундузги сеанс: «Аёл портрети». Бадиий фильм.
16.15 «Жавоҳирлар хазинаси».
16.35, 17.35 ТВ клип.
16.45 «Жасур йигитчалар». Мультфильм.
16.55 «Толеи ёруғ одамлар».
17.05 ЎзТВ хазинасидан. «Бобур». Видеофильм. 6-қисм.
17.40 «Қонун ва ижро».
18.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.35 «Омад қувончи». Телелотерея.
19.05 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Тиббиёт одимлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Нафосат гулшани». Мусиқий дастур.
21.35 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
22.05 «Орзулар қанотида».
22.30 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига**. «Истиқлолдан зиё топган юрт». Телетанлов. Экранда – Жиззах вилояти.
23.00 «Ахборот».
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Мульттомоша».
9.30 «Бу ҳам кино». Хужжатли телесериал.
9.50 «Давр»-интервью.
10.05 «Индаба». Телесериал.
10.30 Минг бир маслаҳат.
10.50 «Даллас». Телесериал.
11.35 Ёшлар овози.
11.55 Ёзги таътил экрани. «Эркатой». 3-қисм.
12.30 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
14.05 Кўҳна оҳанглар.
14.15 «Индиана Жонс: тақдир эҳроми». Бадиий фильм. 3-қисм.
15.00 Мезон.
15.20 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
16.10 «Шумтакалар». Мультсериал.
16.35 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 101-қисм.

* * *

17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси».
17.50 Солиқ ҳақида сабоқлар.
18.05 Олтин мерос.
18.10 Автосалтанат.
18.25 Саломат бўлинг.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 Ҳуқуқ ва бурч. «Қамоқ афзалми ёки жарима». 4-кўрсатув.
20.00 Аскар мактублари.
20.20 Аср қиёфаси.
20.40, 21.30, 22.30 Эълонлар.
20.45 «Индиана Жонс: тақдир эҳроми». Бадиий фильм 4-қисм.
21.35 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига**. «Озод юрт фарзандлари».
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
23.40 «Давр». Ахборот дастури.
23.55-0.05 Мунаввар тонг истаб.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.05 «ТВ плюс».
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Мустақиллик тенгдошлари».
19.05, 20.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.15 «t° 36,6». Мусиқий дам олиш дастури.
20.15 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
21.25, 22.25 «Ўзбегим навоси».
22.10 «Огоҳ». Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси матбуот маркази хабар қилади.
22.55 ТТВда сериал: «Селеста».
23.40 Оҳанглар ва эълонлар.
23.45-23.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
*
15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
17.20 «Ўзимизникилар ортида». Ҳужжатли детектив.
*
17.50 «Муҳаббат ери». Сериал.
*
18.50 «Мўъжизалар майдони».
20.00 «Время».
*
20.40 «Бизнес-ревю».
20.45 «СНН-шоу».
21.00 «Клип-антракт».
21.10 «Кун мавзуси».
21.25 CFI тақдим этади: «Фантастик симфония». Балет.
22.20 Кинематограф. «Иккинчи ҳақиқат». Бадиий фильм.
23.45 «Ахборот» (рус тилида)
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 4

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
*
8.35 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 Андижон вилояти хонандалари куйлайди.
9.20, 10.55 ТВ-метео.
9.25 «Диққат, шаҳарда сеҳргар». Бадиий фильм.
10.20 «Бахтимизга омон бўлинг».
«Тирик сайёра» кинодастури :
10.40 «Қушлар ҳақида ҳақиқат-6». Ҳужжатли фильм.
11.30, 14.20 ТВ анонс.
11.40 «Бешбармоқ». Тележурнал.
12.05 Телевизион миниатюралар театри.
12.40 «Яхши кайфият». Мусиқий дастур.
13.10 «Дўст кулфатда билинар». Бадиий фильм.
14.30 «Дўстлик» видеоканали: «Жетиген».
14.40 «Монте-Карлодаги 24-Халқаро цирк фестивали». 1-қисм.
15.30, 17.50 ТВ-клип.
15.40 А. Навоий таваллудининг 560 йиллигига. «Искандар». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.
17.00 «Монте-Карлодаги 24-Халқаро цирк фестивали». 2-қисм.
18.00 «Миттивойлар оиласи». Кинокўрсатув.
18.25 «Санъат олами».
18.45 «Муҳаббат соғинчи». Мусиқий дастур.
19.10 «Қишлоқ ҳаёти».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Келин-куёв». Телешоу.
22.05 Футбол бўйича Ўзбекистон кубогининг финал учрашуви. «Пахтакор» – «Нефтчи» жамоалари ўйинидан репортаж.
23.35 «Ахборот».
«Тунги ёғду» кинодастури:
00.10 «Тошда ҳам дарахт ўсади». Бадиий фильм. 1-қисм.
1.15-1.20 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси».
9.25 «Мульттомоша».
9.40 Аср қиёфаси.
10.00 Жаҳон жуғрофияси.
10.50 Бола тилидан.
11.20 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
12.20 «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали саҳифаларидан.
12.30 «Рамаяна». Телесериал.
13.05 Кутилмаган меҳмон.
13.25 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
13.55 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал.
14.15 «Индиана Жонс: тақдир эҳроми». Бадиий фильм. 4-қисм.
15.00 Ҳуқуқ ва бурч. «Қамоқ афзалми ёки жарима». 4-кўрсатув.
15.25 «Алвон елканлар». Бадиий фильм.

* * *

16.45 Кўрсатувлар дастури.
16.50 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».
17.10 «Мульттомоша».
17.25 «У ким? Бу нима?» Болалар учун кўрсатув.
17.45 Саломатлик сирлари.
18.05 Ёшлар овози.
18.25 Ҳайрат.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс.
19.35 «Давр»- интервью.
19.50 Каталог.
20.00 «Ниҳол» мукофоти совриндорлари куйлайди.
20.15 Қонун ҳимоясида.
20.40, 21.20, 22.40 Эълонлар.
20.45 «Рамаяна». Телесериал.
21.25 Футбол плюс.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар.
22.45 «Нотинг-хилл». Бадиий фильм.
0.35-0.40 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
18.10 «Мисли гавҳар».
18.30 «Хусусийлаштириш: қадамбақадам».
18.50 «Мустақиллик тенгдошлари».
19.05 «t° 36, 6». Мусиқий дам олиш дастури.
19.55, 20.50, 22.05 «Экспресс» телегазетаси.
20.05 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
21.00 «Меҳри дарё онагинам».
21.15, 22.20 «Ўзбегим навоси».
22.00 «Спорт-тайм».
22.50 Кинонигоҳ. «Сабрина».
00.45 Оҳанглар ва эълонлар.
00.50-00.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Клип-антракт».
*
9.10 «Смак».
9.30 Е. Петросяннинг «Кулгу панорамаси».
10.05 «Ҳайвонот олами».
10.45 «Сиҳат-саломатлик».
*
11.25 «Фан-тайм».
11.35 «Инглиз тили Сиз учун».
*
11.55 Ричард Чемберлен «Уч мушкетёр» фильмида.
*
14.00-14.50 Дўстлик видеоканали: «Умид», «Ягона оилада», «Машриқ оҳанглари».
***
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Бинафша».
17.25 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
*
17.35 Шон Коннери «Шарқий экспрессдаги қотиллик» фильмида.
20.00 «Время».
*
20.40 «Бизнес-ревю».
20.45 «7 дан 70 гача».
21.15 «Буржлар башорати».
22.15 Кинематограф. «Ромео ва Жульетта». Бадиий фильм.
00.15 Ахборот (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯКШАНБА, 5

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.05 «Янграсин шўх яллалар». Концерт.
9.30, 11.40 ТВ-метео.
9.40 «Зарғалдоқ». Мультфильм.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 2001 йил – Оналар ва болалар йили. «Она меҳри».
11.20 «Шоҳрух клуби».
11.45 «Маугли». Мультфильм.
13.15, 16.30 ТВ-анонс.
13.25 «Санъатга бахшида умр». О. Ҳотамов.
13.55 ТВ-1 кинотеатри. «Бенжи». Бадиий фильм премьераси.
15.20 «Қувноқ шаҳарча». Телевизион ўйин.
15.50, 17.30 ТВ-клип.
16.00 «Муҳофаза».
16.10 «Қалб гавҳари».

Спорт дастури.

16.40 «Ўзбек спорти одимлари».
17.05 «Яккама-якка жанг».
17.40 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
18.10 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.35 «Оҳангларга ошуфта кўнгил». Мусиқий дастур.
19.05 «Тўртинчи ҳокимият».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 Киноконцерт.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга». Дам олиш дастури.
21.50 ТВ-1 намойиш этади.

«Якшанба кинозали»:

22.05 Кино янгиликлари.
22.20 «Тошда ҳам дарахт ўсади». Бадиий фильм. 2-қисм.
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».
9.20 «Мульттомоша».
9.35 Футбол плюс.
9.55 «Давр»-интервью.
10.10 Ёзги таътил экрани. «Арабелла – қароқчи қизи».
11.20 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1.Марду майдон, 2. Аскар мактублари.
12.00 Очил дастурхон.
12.15 «Рамаяна». Телесериал.
12.50 III Халқаро «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали олдидан.
13.10 Мультфильм.
13.40 Ёшлар овози.
14.00 «Зулматни тарк этиб...». Бадиий фильм.
15.20 Қишлоқдаги тенгдошим.
15.40 Спорт ҳафтаномаси.
15.55 Тафаккур ёлқинлари.
16.10 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
17.00 Бир ўлка-ки.

17.20 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
17.40 «Мульттомоша».
18.10 Якшанбада кўришгунча.
18.25, 21.55 Иқлим.
18.30 «Давр»-news.
18.50 Оқшом наволари.
19.00 «Денгиз жанги». Телелотерея.
19.45 Очун.
20.10, 20.50, 22.50 Эълонлар.
20.15 «Рамаяна». Телесериал.
20.55 «Заковат» интеллектуал ўйини.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта ичида.
22.40 Тунги тароналар.
22.55 «Сув балоси». Бадиий фильм.
0.30-0.35 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
18.10 Мультфильм.
18.30 Болалар учун. «Қуралай».
18.50 «Мустақиллик тенгдошлари».
19.05 «t° 36,6». Мусиқий дам олиш дастури.
19.55, 20.50, 22.30 «Экспресс» телегазетаси.
20.05 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
21.00, 21.55 «Ўзбегим навоси».
21.30 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига.** «Ёшлар ҳудуди».
22.25 «ТТВ плюс юлдузлар».
22.45 «Авто-news».
23.00 Кинонигоҳ. «Кутулмаган меҳмон».
00.30 Оҳанглар ва эълонлар.
00.35-00.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Клип антракт».
*
9.10 Дм. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
9.30 «Ҳамма уйдалигида».
10.05 «Кайфият» дам олиш дастури.
11.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
11.15 «Тонгги почта».
*
11.50 «Парле ву франсэ?»
12.15 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
13.55-14.35 «Дўстлик» видеоканали: «Маврид», «Дидар».
***
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Билишни истайман». Болалар учун кўрсатув.
17.20 Темирйўлчилар кунига бағишланган байрам концерти.
19.40 Пьер Ришар ва Жерар Депардье «Оталар» комедиясида.
21.30 «Бизнес-ревю».
21.35 «Тенгдошлар».
22.00 «Мюзик-холл».
22.25 Кинематограф. «Жодугар тоғига саёҳат». Бадиий фильм.
24.00 Таҳлилнома (рус тилида)
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Термизнинг 2500 йиллиги олдидан

Термиздаги Кокилдор ота хонақоҳи қачон ва ким томонидан қурилгани тўғрисида турлича қарашлар мавжуд. Бизнингча, бу қарашларнинг қайси бири тўғрилиги эмас, балки асрлар силсиласидан эсон-омон ўтиб, бугунгача етиб келган ва бутун маҳобати билан аждодларимиз ақл-заковатини ўзида мужассам этган ушбу обиданинг тарихий аҳамияти муҳимроқдир.

КОКИЛДОР ОТА ХОНАҚОҲИ

Хонақоҳ каттакон марказий хона, ҳар бири яна иккита хонага кириладиган қўш даҳлиздан иборат. Унинг пешайвонидаги бешқиррали токчаларнинг қуббасимон гумбазлари ва турли ганч нақшлар билан безатилган пештоқлари, баланд шифтидаги юлдузли тасвирлар ақлни лол қолдиради. Аҳмад Устурлобий ас-Соғоний ат-Термизийнинг «Илми ал-Нужум» асарида келтирилган маълумотларга кўра, Устурлобий Қирқ қиз саройининг маликаси Рухайдаи Давроннинг ақл-заковатига қойил қолиб, ўзининг энг етук шогирди, таниқли мунажжим Ҳамзаи Ҳофиз-Кокуллик лақабли Сомон Ашурни унинг хизматига юборади. Олим саройдаги қирқ қизга дунёвий илмлардан сабоқ беради ва тез орада устозининг ишончини қозонади.

Тарихда ўтган ровийларнинг ривоятлари аксарият ҳолларда маълум тарихий фактларга асосланган тўғрисида китобларда кўп ёзилган. Шу боис, Қирқ қиз ривояти ва Кокилдор ота обидаси ўртасида ҳам бир-бирига боғлиқ жиҳатлар бўлса ажаб эмас.

(ЎзА).

МУСИҚА ДАРСЛИКЛАРИ

Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти умумтаълим мактабларининг иккинчи, учинчи ва бешинчи синфлари учун янги мусиқа дарсликларини нашр этди. Уларда миллий мумтоз мусиқамиз ривожига катта улуш қўшган аждодларимизнинг бетакрор мероси намуналари, ҳозирги замон бастакорлари асарлари, халқ қўшиқ ва куйларига кенг ўрин берилган.

Мусиқашунос олимлар Ҳ.Нурматов ва А.Мансуров раҳбарлигида яратилган дарсликларга мусиқа фанини ўқитишнинг янги услуб ва воситалари киритилган. Улар дарс мавзулари моҳиятини тез ва пухта ўзлаштириш, болаларнинг мусиқага бўлган иқтидорини намоён этиш борасида кенг имкон очади.

Асаларилар ўз жинсидан бўла туриб, ишламай кўзадаги асални бекорга еб ётадиганларини ўлдириб ташлашади.

* * *

Севимли нарсаларга машаққат билан, яхшиликка эса ўзига севимли бўлган нарсаларни сарф қилиш билан эришилади.

БИР ҲОВУЧ ЖАВОҲИР

Тенглик ҳукм сурган жойда сотқин, алдамчи эҳтиросларғам-ғуссалар бўлмайди.

* * *

Бугуннинг чорасини кўриб, эртага эҳтиёжи қолмаган киши ақллидир.

* * *

Соқов назарида барча кишилар ҳам соқовдир.

* * *

Ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати ўз ишини қойил қилиб бажаришидадир.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ.

Ним табассум

Ўрмонга қўзиқорин тергани келган қиз адашиб қолибди. У ёққа югурибди, бу ёққа югурибди, ўрмондан чиқиб кетадиган сўқмоқ топилмабди. Қараса, бир тўнкада соч-соқоли ўсиб кетган қария ўтирибди. Йўл сўрабди. Қария шарт қўйибди:

— Саватингдаги қўзиқоринни берсанг, йўл кўрсатаман.

Қиз кўнмай, яна сўқмоқ қидирибди, оқшом тушганида барибир қариянинг шартига кўнишга мажбур бўлибди. Қария қўзиқоринни оловда пиширib еб, обдон тўйгач дебди:

— Э қизим, ўрмондан чиқадиган сўқмоқни билсам, ўн йилдан бери шу ерда ўтирармидим.

* * *

Ўрмон шоҳи шер ўғил уйлантирадиган бўлибди-ю, тайёргарлик бошланиб кетибди. Тўй куни тайинлангач новвою ошпаз, хонандаю созандаларга чопар юборилибди. Иттифоқо карнайчи айтилмагани ёдига тушиб, шер бўрини чақирибди:

— Бизда карнайчи ким?

— Эшак, тақсир.

— Тез бориб, эшакни бошлаб кел, — буюрибди шер.

Бўри эшакка учрашиб, бор гапни айтибди. Йўлга тушибдилар. дарё учраб, бўри сузиб ўтибди-ю, эшак нариги қирғоқда тураверибди.

—Сузишни билмайман, — дебди у.

Шўрлик бўри шердан қўрққани учун чор-ночор эшакни дарёдан опичиб ўтибди-ю, ҳолдан тойиб чилпарчин бўлиб ётиб қолибди.

— Тур, тўйдан кеч қолмайлик, — дебди эшак унинг ётишини кўриб.

— Туролмайман, — дебди бўри базўр. — Олдинда яна иккита дарё бор.



Сой соҳили
сўлим-сўлим,
Сой бўйига
тушса йўлим...

Шавкат СУЛТОН
сурат лавҳаси.



Шахмат жаҳон адабиёти дурдоналарида

Ўйин бир неча марта қайтарилибди. Масрур ҳар сафар қизга юз динор тўлайверибди. Икковлари тонг отгунча чарчамай шатранж ўйнабдилар. Масрур ҳеч ғалаба қозонолмай, охири ўрнидан турган экан, қиз: «Нима қилмоқчисан, эй барно йигит?» деб сўрабди. Масрур: «Уйимга бориб пул олиб келаман, шояд орзуимга етсам», дебди-да, уйига бориб бор пулини олиб келибди... У қиз ҳузурига келгач, шу икки байтни ўқибди:

Ранг-баранг гулларга тўлган боғида,
Тушга бир қуш кирди уйқу чоғида.
Қушни тутдим, энди сен ҳам қил вафо,
Бу тушим таъбири сўлу соғида.

МЎЪЖИЗАКОР ЎЙИН

У қиз билан яна шатранж ўйнайверибди, қиз ғолиб келаверибди. Иккови шу тахлитда уч кун шатранж ўйнашибди. Ниҳоят, қиз Масрурнинг ҳамма пулларини ютиб олибди. Пули тугагач, қиз ундан: «Масрур! Энди нима қиласан?» деб сўрабди, у «Атторлик дўконимни тикиб ўйнайман» дебди. Қиз: «Дўконинг неча пул туради?» деб сўраган экан, Масрур: «Беш юз динор» дебди. Масрур дўконини ҳам бой берибди.

Кейин Масрур канизаклари, моллари, боғ, иморатларини ва қўлида бор жамики нарсаларини тикиб ўйнабди. Қиз уларни ҳам ютиб олибди. Шундан кейин қиз Масрурдан: «Ўйнамоққа пулингдан сира қолдими?» деб сўраган экан, Масрур: «Мени севгинг тузоғига туширган зот ҳаққи! Қўлимда на пул, на бошқа нарса — ҳеч вақо қолмади» дебди.



— Ҳой, Масрур, — дебди шунда қиз. — Аввали хурсандлик бўлган ҳар ишнинг охири пушаймонлик бўлмаслиги керак. Пушаймон қилгудек бўлсанг, пулингни олиб, ўз йўлингга кетавер! Ҳали ҳам ихтиёринг ўзингда.

— Шу аҳволни бизга ҳукм этган зот ҳаққи! — дебди Масрур. — Борди-ю жонимни олишни истаганингда ҳам сени хурсанд қилиш учун бу камлик қилади. Танҳо сенга ишқим тушди, энди бошқа ҳеч кимни севмайман.

Шунда қиз:

— Бор, қози ва гувоҳлар келтириб, барча молмулкингни хатла, — деган экан, Масрур «Жоним билан», дебди-да, ўша заҳоти боғдан чиқиб кетибди. Орадан кўп вақт ўтмай қози ва гувоҳлар топибди. Ҳужжатларни расмийлаштиргани уларни қизнинг ҳузурига бошлаб келибди.

... Қози қизни кўргач, ақли бошидан учиб, эси оғибди. «Эй, ҳурматли! — дебди у қизга зўрбазўр. — Башарти молмулк ва канизакларни сотиб олдим десанггина бу нарсаларни ўз ихтиёрингга ўтказиш борасида ҳужжат битиб бераман». Қиз: «Хўп бўлади, шунга келишдик» дебдида, «Масрурнинг мулки, канизаклари ва қуйидаги барча нарсаларни ана шунча баҳо билан Зайнулмавосиф қўлига ўтди» деб ҳужжат ёзишни буюрибди. Қози шундай ҳужжат ёзибди. Гувоҳлар унга бармоқ босишиб, ҳужжатни Зайнулмавосифга беришибди. Шу билан Масрурнинг барча мол-у дунёси, боғлари, аркони давлати Зайнулмавосифга ўтибди.

Шундан кейин Зайнулмавосиф: «Ҳой, Масрур. Энди йўлингга кетавер!» деган экан, қизнинг Ҳубуб номли канизаги Масрурга: «Бизга бир шеър ўқиб берсанг» дебди. Шунда йигит шатранж ўйини шаънига байтлар ўқибди.

Зайнулмавосиф байтларни эшитгач: «Ҳой Масрур! Бу шахтингдан қайтиб, ақл-ҳушингни йиғиб олгин-да, йўлингдан қолма! Шатранж ўйнаб, пул ва молмулкингдан айрилдинг. Мақсадинг ҳосил бўлмади. Энди орзумга етаман деб овора бўлмай қўя қол, ҳаракатларинг зоя кетади» дебди...

Мамажон МУҲИДДИНОВ тайёрлади.

Мароқли машқлар

Иккала этюдда ҳам оқлар бошлаб, уч юришда мот қилади.



Академик рассом кўргазмаси

Истиқлол жилолари

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида «Истиқлол жилолари» мавзуида таниқли рангтасвир усталари яратган тасвирий ва амалий санъат асарларидан иборат кўчма кўргазмалар ташкил этиш кўзда тутилган эди. Унда, жумладан, Ўзбекистон халқ рассоми Раҳим Аҳмедов асарлари кўргазмаси Тошкент вилоятида ўтказилиши таъкидланган.

У Ўзбекистон Бадиий академиясининг академиги Раҳим Аҳмедов улкан ижодий йўлни босиб ўтди. Атоқли мусаввир тасвирий санъатда ўз мактаби - оламни идрок этишнинг ўзига хос, бетакрор услубини яратди. Ўзбек тасвирий санъатини ривожлантириш ва жаҳонга танитишга муносиб ҳисса қўшди. Унинг кўплаб портрет, манзара ва натюрмортлари халқаро кўргазмаларда муносиб баҳоланган. Жумладан, «Оналик» асари жуда кўп кўргазмаларда намойиш этилган ва Парижда ўтказилган халқаро кўргазмада олтин медалга сазовор бўлган. Мусаввирнинг «Оналик ўйлари» асари ҳам машҳур. Кўп йиллардан бери Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида ёшларга устозлик қилиб келаётган мўйқалам устаси 80 ёшлик тўйини нишонлаётган айни кунларда ҳам ўзининг янги-янги асарлари билан ёш авлодга ибрат бўлмоқда. Табиат ва ҳаёт куйчисининг самарали меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланиб, «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

Ўзбекистон Бадиий академияси Тошкент вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда устоз-мураббий асарларининг кўчма кўргазмасини ташкил этди. Олмалиқ шаҳридаги «Кимёгар» маданият саройида очилган мазкур кўргазмада Р.Аҳмедовнинг Бадиий академия тасарруфидаги Республика бадиий кўргазмалар дирекцияси заҳирасида сақланаётган ва турли йилларда яратилган портрет, манзара, натюрморт жанрларига оид асарлари намойиш этилмоқда.

Бахтиёр МАНСУРОВ.

Эшик қўнғироғи устма-уст жиринглади. Уйғоқ бўлса-да, кўзларини очиш малол келаётган Эркин учун ўриндан туриб эшикни очиш азоб эди. Жилла қурса, дам олиш куни тинч қўйишса экан. Қайда?! Худди бу оламда ундан бошқа суҳбати жонон одам қуриб қолгандек, ҳали чойхонага, ҳали зиёфатга тортқилашади. Бормай деса, кўнгилларига келади деб йўқ деёлмайди. Борса, оқибати мана шу. Эртасига на зилдек бошини, на ланж гавдасини тўшакдан кўтаролмай уззукун ётгани-ётган...

Эркин ўз хаёллари билан қанча андармон бўлса, қўнғироқ ҳам шунча жиринглади. Келган ким бўлса ҳам қўнғироқ тугмачасидан қўлини олишни унутган кўринади. Ким бўлдийкин?! Раҳматмикин? Бе, бир пайтлар шу хонадоннинг кунда-шундасига айланган Раҳмат Қосим энди Эркиннинг саломига зўрға алик олади-ю, уни саҳармардон йўқлаб келармиди?! Ё Мардонқулмикин?! Йўғ-е, Мардонқул ман-

БОШСИЗ ОДАМ

(ҳикоя)

саб пиллапояларидан қанча юқорилаган бўлса, Эркиндек ўртоқларидан ҳам шунча узоқлашган.

Бу, ҳойнаҳой, Афросиёб бўлса керак. У ҳар қалай Эркиннинг талабалик дўсти. Шунинг учунми, ҳамма оғайнилари уни унутиб қўйганда ҳам Эркинни йўқлаб қўяди. Эҳтимол, ҳозир ҳам уни кўргиси келгану ҳали эрта бўлишига қарамай, йўлга тушгандир.

Шу фикр миясида чақмоқдек ярқ этди-ю эшикка отилди. Беланги одамдек бир томонга қийшайиб қолган эски дарвоза ёнидаги темир дарча ҳар доимгидек қиялигича очиқ қолган экан. Ҳалиям келган одамнинг кимлигига бўлган қизиқиши сўнмаган Эркиннинг ҳайрати минг чандон ортди. Чунки дарвоза олдида ҳеч зоғ кўринмас, кўча ҳам кимсасиз эди. Қизиқ, ҳозиргина қўнғироқни жон-жаҳди билан босган одам осмонга учдими, ерга кирдими, билиб бўлмасди.

Эркин ҳайратланган кўйи ҳовлига қайтиб кирар-кан, дарвозахонадаги ағанаб ётган хитой атиргулини ва йиқилганда тувагидан чиқиб кетган алеандрани тўғрилаб қўйди. Кечаси қаттиқ шамол турган бўлса керак, хизматини ўтаб бўлган эски сўри устига қўйилган бошқа гултувaклар ҳам ер билан битта бўлиб ётарди. Кўпларининг гуллари тўкилган, айримлари илдизи билан қўпорилиб тушган...

Ҳали шошилиб чиққанида эътибор бермаган экан, даҳлизда ҳам шундай бетартиблик ҳукмрон эди. Оёқ кийимларини қўйиш учун ўзи ясаган мослама иккига бўлинган, туфлилар ҳар ёнга сочилган.

Эҳтимол, телефон жиринглагандиру, Эркин англамай эшикка югургандир. Хаёллари тизгинини тополмай турган одам шошилганча телефон турган хонага йўналди. Аммо у ерда ҳам бош суққани жой қолмаганди. Телефон аппарати ичак-чавоғигача сочилиб ётарди.

Нима бўлдийкин ўзи? Уйига ўғри тушдими?! Худди қиёмат-қойим қўпгандек нега ҳаммаёқ остин-устун?! Нима бўлганини англашга эса Эркиннинг карахт шуури ожиз эди. Ожизликдан қалтираб бораётган оёқларига дам бериш ва бўлиб ўтган воқеаларни обдон ўйлаб кўриш учун сигарет чўғидан тешилиб қолган кўрпачага чўкди. Аммо пахтаси тахтага айланган кўрпачага ўтириб улгурмасидан сакраб турди. Болдирига ботган учли нарса пажмурда вужудини зириллатиб юборди. Қарашга юраги дов бермай, секин пайпаслаган эди, қўлига ойнаси синиб, абжағи чиққан эски соат илинди. Демак, адашмабди, уни гоҳ эшикка, гоҳ телефон турган хонага югуртирган мана шу соат экан.

Эркин пахтаси қотиб кетган кўрпачада қанча ўтирмасин, хаёлига жўяли бир фикр келмади. Охири, ўрнидан туриб, ётоқхонага юрди. Негалигини ўзи ҳам билмайди. Йўқ, билади. Ҳозир ётоқхонада ҳеч ким йўқ. Чунки ичиб келган кунлари хотини болалар хонасида ухлайди. Ҳойнаҳой, кеча ҳам шундай бўлган. У ёлғиз ўзи ўринда ётиб, ҳаммасини ўйлаб олгиси, нималар бўлиб ўтганини хотирида тиклагиси келди.

Эркин кайфи бўлмаган пайтлари хотинини кўп ўйларди. Аммо бундай дамлар унинг ҳаётида жуда кам бўлган. У деярли сарҳуш юрарди. Шундагина ўйлашдан холи, атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бепарво бўлар эди.

У ерда ётган оппоқ болишни кроват ўрнига ўзи ёғочдан ясаган сўрига қўяркан, тўшак устидаги бир парча қоғозга кўзи тушди. Ўзига таниш бу ёзув Саодатнинг дастхати эди. Юраги ҳаприққанча уни киртайган кўзларига тутди. «Дадаси! Ассалом алайкум! Яхши ётиб турдингизми? Бошингиз оғримаяптими? Илтимос, мени ҳам, болаларни ҳам ёзғирманг. Сизга шунча айтдим: қулоғингизга олмадингиз. Бошқа илож қолмагач, шундай йўл тутишга мажбур бўлдим.

Ўша гап гап. Агар бизни десангиз, ўлгур ароқдан воз кечасиз. Йўқса, мен Тошкентга қадам босмайман. Шунча йил чидадим, етар.

Биздан хафа бўлманг. Хайр, яхши қолинг.

Сизга ҳурмат билан Саодат».

Эркин кўзларига ишонмай, хатни такрор-такрор ўқиди. Демак, Саодат болаларни олиб, Қўқонга кетган. Эҳтимол... Йўқ, йўқ, энди у қайтмайди. Ҳозироқ унинг ортидан бориши керак. Йўқса, кеч бўлади. У ўзини тартибга келтириш учун кўзгуга қаради. Кечаги талотўпдан тўртга бўлинган кўзгуда унинг елкасигина кўринарди, холос. Ерда ётган ойна бўлагини олиб, юзига тутди. Астағфирулло! Унинг юзи йўқ эди. Нафақат юзи, елкасидан тепада ҳеч нима кўринмасди. Шоша-пиша ойна синиғини юқорироқ кўтарди. Фойдасиз. Унинг боши кўринмасди. Хотини, болаларини йўқотгани етмасмиди? Энди бу кўргилик ҳам бормиди?

(Давоми бор). **Темир ҚУРБОН.**

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2624. 1 2 3 4 5 6